

Калибрлаш ишлари ўтказилиш талабларига амал қилинишини амалга ошириш бўйича инспекцион назорат ўтказиш тартиби.

Режа:

1. Аккредитланган метрологик хизматларни фаолиятини текшириш.
2. Калибрлаш ишларини бажариш талабларига риоя қилишни инспекцион текшируви.
3. Калибрлаш ишларини бажариш талабларига риоя қилишни инспекцион текширувчи.

Аккредитланган метрологик хизматларни фаолиятини текшириш.

Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) ЎзР МСТ да қуйдаги асосий вазифаларни бажаради.

- махсулотнинг сертификация синовларини ўтказиш ва синовлар баёнларини бериш.

- серфикалаштириш тартибида назарда тутилган бўлса серфикатлаштирилган махсулот намуналарини инспекция (назорат) синовларини ўтказиш.

- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (ўтказилган синовлар тўғрилиги қисмида) қатнашиши.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг ҳудудий органларининг лабораториялари, илмий – тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларининг синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиш мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар.

- сифат тизимларини дастлабки баҳолашни ўтказадилар ва сертификация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;

- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усуллари ва сифат тизимларни текшириш дастурларини ишлаб чиқади;

- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўтказди;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга сертификатларни чизмайлаштириди, беради ёки тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижлари ҳақида маълумот берадилар.

Аккредитлаш тартиби сертификатлаш ташкилотларини аккредитлаш шартларига мос келади ва улар қуйидаги тартибдан иборат:

- аккредитлаш давогар лабораторияни арендасини таҳлил этиш ва куриб чиқиш;
- аккредитлангани учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтиш;
- аккредитланган лабораторияни аккредитлаш муддатини аниқлаш бўйича текширув комиссиясини тайинлаш;
- синов лабораториясини аттестациядан ўтказиш;
- лабораторияни аккредитлаш бўйича қарор қабул қилиш;
- аккредитлашган аттестацияни тайинлаш, рўйхатдан ўтказиш ва тақдим этиш.

Давогар лаборатория Ўзстандартга белгиланган даражада тулдирилган расмий ариза ва унга қуйидагиларни илова қилади:

- мазкур соҳада лабораторияларини аккредитлаш низоми;
- лаборатория паспортини;
- белгиланган даражада тулдирилган суровномалар.

Ҳужжатларни Ўзстандарт ёки унинг топширишига кура, метрология хизматида экспертиза қилинади ва ҳисобий қарорга келинса, комиссия тузилиб, аккредитлаштириш ишларининг муддатлари белгиланади.

Комиссиянинг таркибини Ўзстандарт раҳбари томонидан тасдиқланади. Комиссия барча ҳужжатларни урганиб, лабораторияни текшириб, махсус

сохада аккредитлаш талабларига мос келиши ёки келмаслиги тўғрисида далолатнома тузади. Синов лабораториясини аккредитлаш аттестатини бериш ишини сертификатлаш миллий ташкилоти куриб чиқади.

Аккредитлаш муддатига тугашига 6 ой колганда, кайта аккредитлашга расмий ариза топширилади, мазкур лабораториянинг Ўзстандартининг узаро муносабатларига мос равишда кайтадан аккредитлаш ёки аттестат муддати узайтирилиши лозим.

Аккредитланган лаборатория фаолиятини текширувчи назорати.

Аккредитланган лабораториянинг аккредитлаш муддатида текширувчи назоратини сертификатлаш ташкилоти ташкил этади. Керак булган холларда бошка муттасадди ташкилотларни жалб килиш мумкин.

Лаборатория фаолиятини текширувчи назорат куйидагича булиши мумкин. Аккредитланган лабораторияда аккредитланган ташкилот ва вакилларини доимий иштирок этиши синов лабораторияси томонидан аккредитланаётган ташкилотга утган тажрибаларнинг синовлар сифатини яхшилиги борасида ички назорати, мижозлар томонидан билдирилаётган реклама ва шикоятларни кўриши лозим.

Калибрлаш ишларини бажариш талабларига риоя килишни инспекцион текшируви.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Аккредитлаш тизими мавжуд бўлиб, у куйидаги фаолият турларини олиб боради:

- синаш лабораторияларини (марказларини) аккредитлаш;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идораларни аккредитлаш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идораларини аккредитлаш;
- текшириш идораларини аккредитлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар, аккредитланган идоралар ва синаш

лабораториялари (марказлари)ни инспекцион текшириш.

Аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари) Ўз СМТда қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича синовларни ўтказиш ва синов далолатномаларини бериш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот намуналарини, агар бу сертификатлаштириш тартибида назарда тутилган бўлса, инспекцион (текшириш) синовларини ўтказиш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (синовларни ўтказишнинг тўғрилиги борасида) иштирок этиш;
- синаш лабораториялари (марказлари) сифатида «Ўзстандарт» агентлиги ва уни ҳудудий идораларининг лабораториялари, илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотларининг синов марказлари, бошқа лабораториялар ва мулкчилик ихтиёрий шаклидаги марказлар аккредитланиши мумкин. Синов лабораториянинг ташкилий тузулмаси 8-расмда «Mahsulot sifati markazi» МЧЖ (мисолида) келтирилган.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- Сифат тизимларини дастлабки баҳолашини ўтказди ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун контрактлар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усулиятларини ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқадилар;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқаришнинг аудитини ўтказди;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқариш сертификатларини расмийлаштиради, сертификатни беради ва тан оладилар;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекцион назоратни амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар аккредитланиши мумкин.

Калибрлаш ишларини бажариш талабларига риоя қилишни инспекцион текширувчи.

Инспекцион текширувни аккредитлашни олиб борган аккредитлаш идораси олиб боради, ёки уларни топшириғи бўйича аккредитланган метролог хизматини ҳудудий давлат метрологик хизматининг идораси (агар у ЎзКТнинг аккредитловчи идораси сифатида рўйхатга олинган бўлса ва шу ишни бажаришга рози бўлса) олиб бориши мумкин.

Инспекцион текширувнинг турлари:

1. режавий инспекцион текширув.
2. навбатдан ташқари инспекцион текширув.

Аккредитлаш метрологик хизматига, унинг аккредитлаш ишлари яқунлангандан кейин режавий инспекцион текширувнинг тахминий муддати белгиланади. Режавий инспекцион текширувни 2 йилда бир марта ўтказиш тавсия этилади. Режавий текширув аккредитлаш аттестати амалдаги муддатда камида 1 марта ўтказиш лозим. Режадан ташқари инспекцион назорат ЎзКТнинг марказий идораси топшириғи билан ёки аккредитланган метрологик хизмат томонидан ўрнатилган талаблар бузулганлиги ҳақида шикоятлар тушганида ўтказилади.

Режавий инспекцион текширувни ўтказишга таёргарлик кўриш тартиби

1. Аккредитлаш идораси режавий текширув ўтказиш муддатидан 1 ой олдин аккредитланган метролог хизматга қуйидагиларни юборади:

- ўрнатилган тартибда инспекцион текширувни ўтказиши ҳақида билдиришнома;

- шартноманинг 2 та нусхаси;

- хизмат ҳақида шарнома бўйича счёти;

2. Аккредитланган метрологик хизмат:

- шартномани имзолайди, счёт бўйича пул ўтказди;

- аккредитлаш идорасига имзоланган шартноманинг 1 нусхасини ва тўлов топшириғини юборади;

- текширув бошланишдан олдин аккредитлашдан ёки олдинги текширувдан кейин ўтган муддат бўйича маълумотнома ҳисобот тайёрлайди.

Маълумотнома – ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- аккредитлаш соҳаси бўйича бажарилган ишлар ҳажми;

- калибрлаш лабораториясининг захираларидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар;

- калибрлаш ишларини бажариш бўйича еътирозлар сони ва улар бўйича қўрилган чоралар;

- аккредитлангаш соҳасига ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳақида маълумот.

Агар аккредитланган метрологик хизмат текширув ҳақида билдиришнома ва шартномани олганидан кейин уни ўтказишни ва шартнома бўйича иш ҳақини тўлашни рад этса ёки олинган билдиришномани назарга олмаса, шартномада белгиланган режавий текширув муддатидан 2 ой ўтгандан кейин аккредитлаш аттестати бекор қилинади.

Инспекцион текширувни ўтказиш жараёнида қуйидагилар текширилади:

- калибрлаш воситаларини ҳолати;

- ишчи хоналарни ҳолати;

- кадрлар малакаси;
- меъёрий хужжатлар билан таъминланганлиги;
- рўйхатга олиш журналларининг ҳолати;
- ўлчаш воситаларини калибрлаш ишларини натижалари (маълумотнома – ҳисобот бўйича);
- аккредитлаш соҳасига ўзгартиришлар киритиш зарурияти.

Инспекцион текширув натижаларини расмийлаштириш

Текширув натижалари бўйича 3 - та нусхада акт тузулади.(1 - нусха юридик шахс раҳбари ва бош метрологга берилади, 2 - текширувчи идорада сақланади, 3 - си ЎзКТ нинг марказий идорасига юборилади.) Актда текширув жараёнида топилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича бажариладиган ишлар кўрсатилади.

Текширувчи идора қуйидаги қарорларни қабул қилиш мумкин:

- 1) аккредитланган метрологик хизматни ўрнатилган талабларга жавоб беришни тасдиқлаб, навбатдаги инспекцион текширувни ўтказиш муддатларини белгилаш
- 2) аккредитлаш аттестатини амалдаги ҳолатини тўхтатиб қўйиш;
- 3) аккредитлаш аттестатини бекор қилиш.

Аккредитлаш аттестатини амалдаги ҳолатини тухтатиб қуйичи 6 ойгача рухсат этилади. Агар шу муҳлат давомида топилган камчиликлар бартараф этилмаса, аккредитлаш аттестати бекор қилинади. Аккредитлаш аттестати бекор қилинса, аккредитлаш идораси аккредитланган метрологик хизматга аккредитлаш аттестати бекор қилинганлиги ҳақида хабарнома юборади. Хабарнома копияси ЎзКТ нинг марказий идорасига юборилади. ЎзКТ нинг марказий идораси метрологик хизматни ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳуқуқига аккредитланган метрологик хизматлар Давлат Ресетридан чиқаради ва оммавий ахборот воситаларда ушбу маълумотни чоп эттиради.